

Е.Э.БЕРТЕЛЬС ИЖОДИДА АБУ НАСР ФАРОБИЙ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИ

Б.Н.Туробов - мустақил изланувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Таянч сўзлар: Абу Наср Форобий, Аристотел, Афлотун, Порфирий, “Фозил одамлар шахри”, “Метафизика”, “Фалсафа манбалари”, “Мантиқ илмига кириш”.

Ключевые слова: Абу Наср Фараби, Аристотель, Платон, Порфирий, “Город добродетельных людей”, «Метафизика», «Источники философии», «Введение в науку логику».

Key words: Abu Nasr Farabi, Aristotle, Plato, Porphyry, "The City of Noble People", "Metaphysics", "Sources of philosophy", "Introduction to science of logic".

Марказий Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. X асрга келиб Марказий Осиё шаҳарлари муҳим илмий марказларга айланди, бир қанча фанлар, хусусан, математика, астрономия ва тиббиёт соҳасида фавқуллодда катта муваффақиятларга эришилди. Чунки баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, антик давр фани ва фалсафасининг бу заминда тарқалиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд эди. Бу ҳудуддаги фан X асрга келиб нафақат халифалик, балки дунё миқёсида биринчи ўринга чиқди.

Бу даврда Марказий Осиёдан табиий-илмий ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида буюк мутафаккирлар, муҳаддислар, мутассавуфлар етишиб чиқдилар.

Шу даврнинг буюк комусий олимларидан бири Абу Наср Форобий (873-950)дир. Форобий бошланғич таълимни ўз ватанида олди, аммо шу даврда бу ҳудудда йирик олимлар бўлмаганлиги сабабли ўқишни давом эттириш мақсадида Дамашққа боради. Бу ерда у қадимги юнон муаллифлари асарларининг арабча таржималарини ўрганган. Аммо кейинчалик Форобий ота-онаси билан бирга Боғдод шаҳрига кўчиб кетган. Чунки бу даврда араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдод бутун Шарқнинг иқтисодий, маданий ва илм-фан маркази ҳисобланган. Форобий бу ерда араб ва христиан олимлари ёрдамида нафақат илмни, балки кўпгина тилларни ҳам ўрганади [6:110]. Мутафаккир ҳаётининг сўнгги йилларини нуқул илмий ишга бағишлаб, Боғдодда катта машхурликка эришади.

Форобий илмий ижодида фалсафа тарихини ўз нуқтаи назарича баён қилади. Унинг фикрича, қадимги юнон фанининг сўнгги ўчоғи Александрия бўлган. Александрия мактаби файласуфлар билан бевосита шугулланган ва турли таълимотларни тадқиқ этган. Мусулмон файласуфларининг фикрича, – деб ёзади, – С.Н.Григорян, – Александрия мактаби вакилларининг шарҳлари Аристотел таълимотига қўшимча ҳисобланади [8:84]. Бу ерда христианлик ўрнатилгандан кейин, фаннинг ривожланиши тўхтади. Епископлар барча қадимги фанлардан фақат мантиқни тан олдилар, чунки бу уларга кескин мувоҳасалар учун керак эди. Араб фанлар, шу жумладан, метафизикани нафақат кераксиз, деб ҳисобладилар, балки ундан тийилишни маслаҳат бердилар. Уларнинг фикрича метафизика эътиқод софлигига зарар етказиши мумкин. Шунинг учун фалсафа билимдонлари Александриядан кетдилар.

Форобийнинг мероси ғайриоддий улкан ва турли-тумандир. У ўз даврида маълум илм соҳалари бўлган этика, сиёсат, психология, табиатшунослик ва мусиқани ўрганди. Аммо, албатта, унинг илмий ижодида биринчи ўринда фалсафа турган. У, энг аввало, Арастунинг шахрловчиси сифатида машхур эди. Шунинг учун “Иккинчи муаллим” номи нуфузли тахаллусни олган. Шуни эътироф этиш жоизки, – деб ёзади Е.Э.Бертельс, – Форобийнинг бу ишини аслиятдан узоқ ва тақлид қилиш, деб қараш керак эмас [5:112]. Файласуф олим Қ.Назаров фикрлари шарқшунос олимнинг хулосаларини янада муайянлаштиради. У Абу Наср Форобийни қадимги муаллифларнинг оддий шарҳловчиси сифатида талқин

этиш адолатдан эмас, деб ҳисоблайди. Бу олим Форобий “илм-фаннинг турли соҳаларига, айниқса фалсафага тааллуқли бетакрор асарлар яратган. Аллома “Фалсафа манбалари”, “Мантиқ илмига кириш”, “Масалалар манбаи”, “Субстанция”, “Давлат тўғрисида рисола”, “Фалсафани ўрганишдан аввал нималарни ўрганиш лозим”, “Фалсафий масалалар ва уларга жавоблар”, “Ақл ҳақида рисола”, “Фозил одамлар шахри” каби 160 дан ортиқ китобларнинг муаллифидир” [9:101] – деб қайд қилади.

Миллоднинг V асридан бошлаб антик давр файласуфлари асарларини дастлаб юнончадан сурён тилига таржима қилиниш бошланди. Шу даврда яшаган Ибасу фақат Порфирийнинг “Кириш” (“Введение” ёки “Введение к категориям”) асарини таржима қилган. Юнон мутафаккирларининг асарларини сурёндан арабчага таржима қилишнинг бошланиши VIII асрга тўғри келади. Қадимги юнон даври фалсафаси тадқиқотчилари, “IX асрдан бошлаб Аристотел ва бошқа Юнон муаллифларининг илмий асарларини Сурия тилидан, шунингдек, юнонча асл нусхасидан араб тилига таржима қилиш ишлари жадаллашди”, – деб ёзадилар [3:70].

Шарқшунос олим Е.Э. Бертельснинг фикрича, Арасту асарларининг дастлабки таржималари унчалик мукамал бўлмаган. Таржимонларга илмий терминология (муайян бир соҳага оид терминлар мажмуи ва тилшуносликнинг терминларни тартибга солиш ҳақидаги бўлими)нинг йўқлиги монелик қилган. Улар кўпинча матн таржимасини удалай олмаганликлари учун юнонча асл нусханинг синтаксис тузилишини сақлаб қолдилар [5:112]. Ҳатто таржимонлар Аристотел асарларини яхшироқ тушуниш учун унинг шарҳловчилари асарларини ҳам таржима қилганлар. Аммо шунга қарамайдан, унинг баъзи асарлари бузилган кўринишда, унга ёт бўлган унсурлар билан кириб келди. Лекин Ф.Т.Фадеевнинг таъкидлашича, мантиққа оид асарларнинг таржимаси ахлоқ ва метафизикага оид асарларга қараганда асл нусхага яқинлиги билан ажралиб турган [10:15].

Шунинг учун Арастунинг асарлари араб китобхони учун мутлақо тушунарсиз бўлган. Фақат Форобий асарлари қадимги фалсафа фанини тўғри тушуниш учун имконият яратди.

IX аср илмий таржима фаолиятининг энг юксак даври бўлди. Араб тили фан, фалсафа ва ҳуқуқшунослик соҳаларига кириб келди ва мустақкам ўрин эгаллади. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда ва халифаликнинг бошқа шаҳарларида юнонлар илмий-фалсафий маросимини ўрганишга қизиқиш янада ортиди, илмий муассасалар, хусусан, донишмандлар уйи, илмий кутубхона, расадхоналар қурилди [5:112]. Таржима қилинган асарлар Форобий томонидан ҳам чуқур ўрганилди ва ижодий ривожлантирилди. Мутафаккир қадимги юнон фалсафий асари (“Категориялар”, “Терменевтика”, биринчи ва иккинчи “Аналитика”, “Топика”, “Софистика”, “Риторика”, “Поэтика”)ларнинг талайгина қисмини шарҳлади. Бу ҳақда академик И.М.Мўминов қуйидагиларни ёзади: “Қадимги юнон ва араб файласуфларининг асарларини пухта ўрганган Форобий Аристотелнинг “Метафизика”сига шарҳлар ёзиб, бутун Европани Аристотел таълимоти билан таништирди. Чунки IX–X

асрларда Европада дин, схоластиканинг кенг ва мустақкам ҳукмронлиги туфайли Аристотелнинг илғор нуқтаи назарлари у ерда номаълум бўлиб қолганди” [2:17]. Шунингдек, Форобий Арастунинг мантикка оид қарашларини ижодий ривожлантирди. Дарҳақиқат Арастунинг мантикий қарашларида маълум бир камчиликлар бор эди. Бу, айниқса, унинг силлогизм назарияси аҳамиятини бўрттиришида яққол намоён бўлган [3:96].

Ал-Форобий бошқа фан соҳалари каби мантик илмида ҳам Арасту таълимотини ривожлантиришга, унутилган ва эътибор берилмаган масалаларни аниқлаштиришга, шу масалага доир янги фикрларни илғари суришга ҳаракат қилган, мавжуд фикрларни шунчаки такрорлашни ўзига эп кўрмаган [1:57]. Абул-Қосим Саид ибн Ахмад ҳам ўзининг “Ат-таъриф фи табакаат ал-умам” асарида, “У мантик илмидаги ўзига қадар номаълум бўлган сирларни очиб берди ва бошқаларнинг бу илми ўзлаштиришини енгиллаштирди”. Ал-Форобий ўзининг асарларида мантикни тушунишининг ва уни эгаллашнинг нозик томонларини, шунингдек, фикрни равои ифодалаш ҳақидаги ҳамма маълумотларни тўплади, [1:15] – деб таъкидлайди.

Форобийнинг Аристотелнинг мантикка оид асарларига ёзган шарҳлари ўрта аср Ғарбий Европасида машҳур бўлган. Форобий яна бошқа юнон олимлари асарларига, масалан: Порфирийнинг “Изигага” [4:213-214] (мантикка оид), Птоломейнинг “Альмагест”, А.Афродезийскийнинг “Жон ҳақида” асарида Эвклин геометриясининг айрим китобларига ҳам илмий шарҳлар ёзди” [1:111]. Бундан ташқари неоплатончи Порфирийнинг “Фалсафага кириш” асарининг шарҳи Форобийга тегишлидир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, неоплатонизмнинг Порфирий ва Ямвлих каби вакиллари келиб чиқишига кўра Суриялик бўлган. Византия даврида Сурияда Эдессе мактаби равои топган ва V асрда у бу даврга келиб Афинада ўз фаолиятини тугатаётган перепатитизмни жонлантирган ва уни тарғиб қилувчи марказга айланган [3:64].

Форобий фаолияти фақат қадимги юнон фалсафасини шарҳлашдан иборат эмас. У жуда кўп асл асарлар ҳам яратган. Е.Э.Бертельснинг катъий хулосасига кўра, уни соф перепатетик, деб ҳисоблаш

ҳам мумкин эмас. Форобий Афлотун билан Арасту фалсафасини муроса-ю мадорага келтириш учун астойдил ҳаракат қилади ва бу вазифани амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайди. Шуни таъкидлаш лозимки, гарчанд Арасту Афлотуннинг шогирди бўлиб, унинг ғояларидан баҳраманд бўлган бўлса ҳам, таълимотининг кўп жиҳатлари билан келиша олмайди. Кейинчалик (56) эса унинг таълимоти мутлақ ғоясини танқид остига олади [5:112].

Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳари” (“Рисола фи ара ахл ал мадинат ал-фадила”) номли асари эътиборга моликдир. Форобий бу асарда Афлотун ва Аристотелнинг жамият ва давлат тўғрисидаги фикрларига ўз муносабатини билдиради. Афлотун жамият одамларнинг эҳтиёжи туфайли пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Унинг нуқтаи назарича, ҳокимлар ва бўйсунувчилар бўлган тақдирдагина у ерда қонуллаштириш баркамол бўлиши мумкин. Ҳокимлар асл олижаноб оқсоқолларга ўхшаб ҳаётий тажрибага эга бўлишлари керак. Арасту фикрича эса, жамият “табиатнинг ҳосиласи”дир. Форобий жамиятнинг пайдо бўлишини телеология (олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқлик) нуқтаи назаридан тушунтиради – жамият одамларнинг қомилликка эришиши учун зарур, деб ҳисоблайди [7:251]. Бу асар давлат тўғрисидаги антик трактатлар таъсирида ёзилган бўлишига қарамадан, оригиналлик (аслиги) билан ажралиб туради. Форобий бу асарда давлатнинг келиб чиқиши, ижтимоий тенгсизлик сабаблари каби бир қанча муҳим саволларга жавоб беришга ҳаракат қилган [4:159-173].

Марказий Осиёда жамият ҳақидаги таълимотни биринчи бўлиб қомусий олим Форобий ишлаб чиқди. У шахар-давлатларни фозил ва жоҳилга бўлади. Фозил шахар аҳолининг ўзаро ҳамкорлигига асосланади. Форобий жамиятнинг ва давлатнинг асосий мақсади умумий бахт-саодатга эришишдир, деб ҳисоблайди. Илм-фан ва таълим-тарбия умумий бахт-саодатга эришиш йўлидир.

Хулоса қилиб айтганда, қомусий олим Форобийнинг илмий фаолияти X-XI асрларда Марказий Осиёда ҳам фаннинг ривожланиши юксак чўққисига эришганлигидан далолат беради. Шунингдек, Форобийнинг таълимоти Шарқ ва Европа ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожига муҳим ўрин тутди.

Адабиётлар

1. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Тошкент: “Фан”, 1994, 25-57, 15-6.
2. Мўминов И.М. Ўзбекистонда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: “Фан” 1999, 17-18-6.
3. Шарипов М., Муксимова Х.В. Марказий Осиёда дунёвий илмларнинг қарор топиши. // Дунёвийлик фалсафаси. – Тошкент: 2007.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 18-159-173-213-214-6.
5. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Отв.ред. И.С.Брагинский. Избранные труды. -М.: “Восточная литература”. Том.1. –С. 112.
6. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 1-китоб. Файласуфлар миллий жамияти нашриёти. – Тошкент: 2004, 56-57-110-6.
7. Ахмедова М.А. Умумий муҳаррирлиги остида. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юрлари учун дарслик сифатида тавсия қилинган. – Тошкент: 2005, 251-6.
8. Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. -М.: 1966, -С. 84.
9. Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. – Тошкент: 2013, 101-6.
10. Фадеев Ф. Т. Античное философское наследие в арабоязычной науке IX-XI вв.: Дисс. ... канд. фил. наук. –Т.: 1993.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг қомусий олим Форобийнинг илмий фаолияти, фалсафаси ва Марказий Осиёда ҳамда дунё илм-фаннинг ривожланишига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги изланишлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, X асрга келиб Марказий Осиё шаҳарлари муҳим илмий марказларга айланиши, мазкур ҳудуддан дунё илм-фанига ўзларининг фалсафий қарашлари билан улкан ҳиссасини қўшган қомусий олимларнинг хизматлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об исследованиях учёного востоковеда Э.Э.Бертельса, о научной деятельности, философий и вкладе в развития мировую науку и науки Центральной Азии, учёного-энциклопедиста Фараби. В том числе излагается история формирования некоторых городов Центральной Азии как важными научными центрами X века. Философы энциклопедисты этих региона своими философскими взглядами внесли огромный вклад в мировую науки.

SUMMARY

The article discusses the scientific research of the orientalist scientist E.Bertels about encyclopedic scholar Farabi's scientific activity, philosophy and contribution to the development of science in Central Asia and in the world. It was also mentioned about Central Asian cities becoming the important scientific centers in the 10th century; the encyclopedic scientists who have made huge contribution to the world science with their philosophical views.